



halol.uz

Табиий гүштни кимё билан «бойитилган» гүштдан 20 сонияда ажратиш

Кўпчилик биладики, хозир дўкон ва бозорларда кўпинча соя эритмаси шимдирилган ёки янги кўриниш бериш учун маҳсус кимёвий моддалар билан бўялган эски гўшт сотилади.

Шу сабабли гўшт танлаш ва харид килиш узок жараёнга айланади, ахир ташки кўринишидан хаммаси чиройли ва янгидай кўринади.

Охирги марта гўшт сотиб олишга борганимда, гўшт сифатини тезда аниклашни ўргандим. Мен билан навбатда бошка яна киши бор эди. Аёллар гўштнинг сифатини ўз усулларида аниклашга харакат килишди, аммо ўша одам сотувдаги гўштга хатто карамади хам.

Унинг навбати келгач, сотувчидан унга кичкина гўшт бўлакчасини кесиб беришни сўради. Сўнг чўнтағидан фольга билан бир дона тиш тозалагич чикарди ва гўштни унга кадади. Шундан кейин ёнидан гугурт олиб ёқди ва гўштга тутди.

Тахминан ўн сониядан кейин гүштдан тутун кўтарилиб, кабоб хиди кела бошлади.
У яна ўн сония туриб, гүшт бўлакчасини хидлаб кўрди.

Агар гўшт табиий бўлса, ундан кабоб хиди келади, агар кимёвий моддаларга тўйинган бўлса – кора рангли суюклик сизиб чикади.

Менга бу усул жуда ёқди, шунинг учун гўшт сотиб олаётганда ундан фойдаланишни режалаштиrmокдаман. Агар сотувчи сизга кичик бир бўлакча кесиб беришни истамаса, бу илтимос рад этилмайдиган бошка жойга бориш яхшироқдир.

Сизда-чи, гўшт сифатини аниклашнинг ўзига хос йўллари борми?